

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ” АЖ**

**СМИРНОВ АРКАДИЙ НИКОЛАЕВИЧ**

**ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН (ҚИЗИЛҚУМ-НУРОТА ТОҒЛИ ХУДУДИ)  
ПЕРМ ДАВРИ ЁТҚИЗИҚЛАРИ БИОСТРАТИГРАФИЯСИ ВА  
БИОФОССИЛИЯЛАРИ**

**04.00.05 – Палеонтология ва стратиграфия**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of dissertation abstract doctor sciences (DSc)**

<b>Смирнов Аркадий Николаевич</b> Ғарбий Ўзбекистон (Қизилкум-Нурота тоғли худуди) перм даври ёткизиқлари биостратиграфияси ва биофоссилиялари.....	3
<b>Смирнов Аркадий Николаевич</b> Биостратиграфия и биофоссилии пермских рифогенных отложений Узбекистана (Кызылкумо-Нуратинская горная область) .....	27
<b>Smirnov Arkadiy Nikolaevich</b> Biostratigraphy and biofossils of the Permian Reef Deposits of Western Uzbekistan (Kyzylkum-Nurata Mountain Region).....	52
<b>Нашр қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	56

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«ЎЗБЕКГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ» АЖ**

**СМИРНОВ АРКАДИЙ НИКОЛАЕВИЧ**

**ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОН (ҚИЗИЛҚУМ-НУРОТА ТОҒЛИ ХУДУДИ)  
ПЕРМ ДАВРИ ЁТҚИЗИҚЛАРИ БИОСТРАТИГРАФИЯСИ ВА  
БИОФОССИЛИЯЛАРИ**

**04.00.05 – Палеонтология ва стратиграфия**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

Фан доктори (DSc) диссертациониси мануси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида H2022.4.DSc/GM56 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Ўзбекгеология қидирув» АЖда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ing.uz](http://www.ing.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Хусанов Султонбой Тухтаевич  
геология-минералогия фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** Евсева Галина Борисовна  
геология-минералогия фанлари доктори  
Султонов Пулатжон Салимович  
геология-минералогия фанлари доктори  
Миркамалов Рустам Хамзаевич  
геология-минералогия фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил 30 январ соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-Б, к.507 e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4351 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-Б, к.507 e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2024 йил «04» январ куни тарқатилди.  
(2023 йил «31» октябрдаги 76 рақамли реестр баённомаси)



*[Signature]*  
Т.Х. Шоймуротов  
Илмий таражжалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

*[Signature]*  
М.Г. Юлдашева  
Илмий таражжалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.д.

*[Signature]*  
Ф.Г. Долгополов  
Илмий таражжалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д.

### **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳозирги кунда геология-қидирув ишларининг асосий вазифаси минерал-хомашё базасининг барқарор ўсишини таъминлаш, жумладан фойдали қазилма конларини янги стратиграфик горизонтлар ҳисобига очишдан иборат. Шунинг учун, турли геологик тадқиқотлар ёрдамида истиқболли майдонлар ва участкаларни асослаш ва ажратиш, шунингдек маъданли ва номаъдан қазилма бойликлари ҳосил бўлиш, тўпланиш шароитларини аниқлашда чўкмалар ҳосил бўлиш тарзи ва уларни қамраб олган тоғ жинслари ёшларини аниқлаш тоғ-кон саноатининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, фойдали қазилма конларни қидиришда геология-қидирув ишлари йўналишини асосли ишлаб чиқиш учун биостратиграфик ва палеоэкологик тадқиқотларни бажариш ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга.

Дунёда турли генезисли палеозой ётқизикларининг ҳосил бўлиш шароитларини ва улардаги саноат миқёсидаги фойдали қазилмалар концентрациясини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, палеозой даври моллас формациясини ўрганиш усулларини жамлаш; перм даври ётқизикларида риф ҳосил бўлиш шароитлари ва уларнинг тектоник-вулқон жараёнлари билан боғлиқлигини аниқлаш; бассейн седиментацияси жараёни билан боғлиқ палеофациал, биостратиграфик ва палеоэкологик мезонларни ишлаб чиқиш; регионал стратиграфик асосни куриш учун палеонтологик реперларни ўрнатишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда минерал хом ашёларининг янги захираларини қидиришга кўмаклашадиган тадқиқотларга, хусусан юқори палеозой ётқизикларига йўналтирилган геология-қидирув ишларини асослаш бўйича янги илмий ишланмалар қўлланилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “айрим ҳудудларнинг табиий ва минерал-хомашё потенциалидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда Марказий Қизилқум регионидаги перм ётқизикларининг стратиграфик асосини қайта ишлашга қаратилган литологик-биостратиграфик тадқиқотлар геологик-қидирув ишларини батафсил ёритишга ёрдам беради, катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳара-катлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Президентнинг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон “Ўзбекистон Республикаси Геология ва минералресурслар Давлат қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» Фармони

тиклашдават дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги:** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал-хом ашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Перм даври ётқиқиқларини, уларнинг литологик, биоценотик ва таксономик хилма-хиллигини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ҳамда олий ўқув юртиларида, жумладан: American Association of Petroleum Geologists (USA), Association of Petroleum Geologists of India (India), Slovak Academy of Sciences (Slovakia), РФАнинг академиги Заварицкий номидаги Геология ва геокимё институти Урал филиали, РФАнинг Геология ва Геофизика институти Сибир филиали, РФАнинг Узокшарқ Геология институти Узокшарқ филиали (Россия), РФАнинг А.А.Борисяк номидаги палеонтология институти (Россия), ҳамда “Академик Х.А.Абдуллаев номидаги Геология ва Геофизика институти”, “Регионалгеология” ДУК ва “Ўзбек геология қидирув” АЖ да (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Перм давридаги чўкинди комплекслардан биофосилларни ўрганиш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинди, жумладан: нефть ва газ конларини маҳаллийлаштириш учун қулай фациялар аниқланган (American Association of Petroleum Geologists, USA), перм ётқиқиқларининг биостратиграфик ажратиш ва ўзаро боғлиқлик схемалари ишлаб чиқилган (Association of Petroleum Geologists, India), табиий шароитда чўкма жараёнларининг турли босқичлари билан боғлиқ бўлган фойдали қазилма конларининг келиб чиқиши аниқланган (МФА Геология институти, Қирғизистон); руда ҳосил бўлиш жараёнларининг нефть ва газ омборлари ҳамда қаттиқ фойдали қазилмалар конларининг шаклланиши билан боғлиқлиги далилланган (Коми НЦ УрО АН Геология институти, Россия); абиотик ҳодисаларнинг ўзгариши натижасида палеонтологик маълумотларга асосланиб, бентик фауна ва биономик шароитларнинг ўзгариши аниқланган (МФА Геология ва Геофизика институти, Озарбайжон).

Дунёда органик қолдиқларнинг етакчи комплексларини монографик ўрганиш асосида биостратонларни ажратиш бўйича бир қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: карбонат псефитолитларини вулканоген ўрганишни интрузиялар концентрацияси жойларида ва карбонат тузилмаларини белгилайдиган бурилишларда

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича шарҳ қуйидаги хорижий манбалар асосида амалга оширилди: <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www://www.geokniga.org/books>; <http://geologinfo.ru>; <https://www.ru> ва б.

локализация қилинган перм чўкиндилари орасида турли хил туф жинсларини фацияларининг кўрсаткичлари сифатида аниқлаш; чўкма жараёнларининг палеогеографик ва палеодинамик ривожланиши; юқори палеозой комплексларининг риф шаклланишини ва унинг тектоник, абиотик ва иқлим ходисалари билан боғлиқлигини аниқлаш; турли авлодларнинг микробиал-палеоаплизин комплексларини асослаш; палеозой ҳавзасининг органоген тузилмаларини шакллантириш билан риф гуруҳларнинг парагенетик алоқаларини ўрнатиш, шу жумладан, жамоалар ва литологик омиллар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Нашр қилинган ва фонд материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Қизилқум-Нурота тоғли вилоятининг юқори палеозой стратиграфияси муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тадқиқотлар илгари, асосан, геологик-тасвирлаш ишлари доирасида олиб борилган ва геолог-тасвирловчилар томонидан органик қолдиқларнинг эпизодик тўпламлари бўйича амалга оширилган. 40 йилдан кўпроқ вақт олдин стратиграфик тузилмалар эскирган ва, айниқса, хариталанган бўлинмаларнинг ёши ва литологик ҳажмлари, кесимларининг тузилиши ва улар ўртасидаги муносабатларни шарҳлаш тизимини сезиларли даражада янгилаш керак. Шу билан янгиланган геологик хариталарни яратиш ва кейинги излаш ишларининг йўналишларини аниқлаш учун ўрганилаётган регионнинг геологик тузилиши ҳақидаги замонавий тушунчаларни акс эттирадиган янгиланган стратиграфик асосни ишлаб чиқиш зарур эди.

Сўнгги йилларда перм ётқизикларининг табақаланиши, биофациал таҳлили ва биогермик жинс шаклланиши муаммоси билан қуйидаги олимлар шуғулланган: А.И.Антошкина, Р.Ахунджанов, И.С.Барсков, Г.В.Беляева, Т.М. Безносова, Б.П.Богданов, Э.В.Боко, О.В.Бяков, Т.А.Грунт, Е.Н.Гапликова, А.В.Дженчураева, А.В.Ждан, И.Г.Журавлева, Т.А.Карнюк, С.С.Клименко, А.А.Колдаев, Н.И.Королюк, А.А.Константинов, В.Г.Кузнецов, Т.И.Куранов, В.П.Лютюев, Е.Н.Мальшева, Г.А.Мизенс, Е.М.Мусафирова, К.Ю.Оленева, Е.С.Пономаренко, П.И.Приймак, В.Ф.Проценко, В.А.Салдин, А.Н.Сандула, В.И.Седлецкий, И.Б.Турамуратов, Б.И.Чувашов, Н.Ш.Хайитов, М.Э. Эгамбердиев ва б.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари “қимматбаҳо ва рангли металлар геологияси” илмий-ишлаб чиқариш маркази Давлат корхонасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Чотқол-Қурама ва Ханбандитов тоғларининг карбонат ётқизикларида риф комплексларининг тарқалиш қонуниятларини комплекс литологик ҳамда биостратиграфик ўрганиш” (2010); “Туркистон-Нурота тоғли вилоятининг  $D_2$ - $C_1$  карбонат ётқизиклари кесимларини комплекс литологик ва биостратиграфик ўрганиш” (2013); “Жиззах вилоятидаги Ханбандитов тоғининг Ханбандитов худудида кўрғошин ва рух маъдан намоёндаси бўйича геологик-қидирув ишларини умумлаштириш” (2020); “Нурота тизмасининг шимолий этакларида, Егербелитов, Бозангир,

Баликалитов тоғлари ва Писталитов тоғларининг жанубий тизмаларида 98.0км<sup>2</sup> майдонда 1:50 000 масштабда геологик тасвирлаш (ГТ-50); 418.0км<sup>2</sup> майдонда 1:50 000 масштабда геологик қайта ўрганилуви майдонлар (ГҚЎМ-50); 295 км<sup>2</sup> майдонда 1:100 000 масштабда чуқур геологик хариталаш (ЧГХ-100)” (2022); “Букантов тоғида 294.0 км<sup>2</sup> майдонда 1:50 000 масштабда геологик тасвирлаш (ГТ-50); 1006.0 км<sup>2</sup> майдонда 1:50 000 масштабда геологик қайта ўрганилуви майдонлар (ГҚЎМ-50); 1349 км<sup>2</sup> майдонда 1:100 000 масштабда чуқур геологик хариталаш (ЧГХ-100)” (2022); “Тахтатов тоғи моласс формацияси ётқизикларининг стратиграфик ҳолатини комплекс асослаш” (2022) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ғарбий Ўзбекистоннинг перм ётқизиклари ёшини биофоссилиялар бўйича асослаш ҳамда замонавий регионал биостратиграфик схемасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Моласс формацияси кесимларининг литологик-стратиграфик, литологик-фацал ва фаунистик хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш ҳамда умумлаштириш;

литологик-стратиграфик ва литологик-фацал кесимлар, палеонтологик ва батафсил геологик кузатувлар нуқталарини тавсифлашда Тахтатов свитасининг тош материални ўрганиш;

Ғарбий Ўзбекистон ҳудудида илгари номаълум бўлган органик қолдиқларни таҳлил қилиш;

биостратиграфик комплексларни, уларнинг фазовий ва вертикал тарқалишини ўрнатиш;

турли литологик-стратиграфик бўлинмаларнинг ёшини аниқлаш ва перм ётқизикларини ажралишининг регионал биостратиграфик схемасини ишлаб чиқиш;

Марказий Қизилқумнинг перм ётқизикларида учровчи сфинктозоа, палеоаплизин, строматопорат, фораминифера ва бошқа органик қолдиқларнинг қуйи ҳамда юқори перм комплексларини ўрганиш ва монографик тавсифлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ғарбий Ўзбекистоннинг Қизилқум-Нурота тоғли вилояти перм даври моласс формациясидаги риф ётқизиклари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Қизилқум-Нурота тоғли вилоятининг перм даври риф ётқизиклари органик қолдиқлари ва уларнинг ёшини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда биостратиграфик (етақчи қазилмалар, етакчи комплекслари тури), биометрик, филогенетик, палеоэкологик, биогенетик, литологик усуллар, шунингдек, қазилма қолдиқларини ўрганиш усуллари, шу жумладан дала босқичи, техник ва илмий ишлов бериш усуллари фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Қизилкум-Нурота тоғли вилояти худудида перм даври ётқизикларининг фаунистик жиҳатдан асосланган ёши аниқланган;

Перм даврида сфинктозалар, палеоаплизинлар, пелесиподалар, маржонлар, сув ўтлари каби перм давридаги органик қолдиқлари мавжудлиги исботланган;

Қизилкум-Нурота тоғли вилояти перм системаси қуйи ҳамда юқори бўлимларида Шимолий Америка, Япония, Индохитой, Қрим, Сумарта ороллари, Жанубий Европа ва Кичик Осиёнинг перм ётқизикларида кенг тарқалган палеонтологик асосли ётқизиклари аниқланган;

Ўзбекистонда перм риф комплекслари биоценозини тавсифловчи сфинктозоаларнинг учта янги тури, палеоаплизинларнинг иккита янги тури ва строматопоратларнинг ёзилган ҳамда икки янги тури аниқланган;

Қизилкум-Нурота тоғ вилоятининг перм даври моласс формациясининг рифоген ётқизиклари стратиграфик схемаси ишлаб чиқилган;

Қизилкум-Нурота тоғ вилоятининг перм рифоген ётқизикларининг геологик тузилиши қонуниятлари ўрнатилган ва геологик қидирув ишларининг кейинги йўналишларини башорат қилиш имконияти яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кечки палеозойнинг седиментацион ҳавзаларида Марказий Қизилкумнинг перм риф комплексларини шакллантиришда биооген омилнинг роли аниқланган;

перм системасининг қуйи ва юқори бўлимларининг фаунистик асосланган ётқизиклари аниқланган;

моласс формацияси ётқизикларининг вулканоген-чўкинди комплекси аниқланган;

моласс формациясининг ётқизиклари таркибининг кескин литологик-фациал ўзгарувчанлиги, қирғоқ зоналарининг шаклланиши билан мураккаб цикллилик тузилишга эга эканлиги аниқланган, бу қадимги олтин таркибли сочмаларни локаллашуви учун истиқболлиги асосланган;

батафсил миқёсдаги (1:50 000, 1:100 000 ва 1:500 000) геологик хариталарни тузиш учун асос бўлувчи перм ётқизикларининг стратиграфик схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги** перм ётқизикларининг 15000 м литологик-стратиграфик кесимларни қатламли, батафсил ва 8000 м литологик-фациал профилларни тавсифлаш, 20000 м геологик маршрутлар ўтиш, 60 тадан ортиқ батафсил геологик кузатув ва 80 та палеонтологик нуқталарни тавсифлаш, карбонатли жинсларнинг 500 намунасини кимёбий дезинтеграциялаш, 200 та йўналтирилган шаффоф петрографик шлифларда жинсларнинг литологик таркибини ўрганиш, 300 та палеонтологик шлифларда микрофаунанинг органик қолдиқларини тадқиқ қилиш ва тавсифлаш билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ғарбий Ўзбекистоннинг перм ётқизикларининг ёшини палеонтологик асослашда органик

қолдиқларнинг етакчи комплексларини ўрнатилиши ва монографик ўрганилиши билан ҳамда Халқаро стратиграфик шкала билан боғлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти йирик ва ўрта масшабли геологик-съемка тадқиқотларини, башоратли – излов, қидирув ишлари, биринчи навбатдаги, у ёки бу тарзда моласс форамацияси билан боғлиқ бўлган фойдали қазилмаларни қидириш ва уларни стратиграфик табақаланиш схемаси жорий этишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғарбий Ўзбекистоннинг перм рифоген ётқизикларининг биостратиграфияси ва биофоссилиялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ғарбий Ўзбекистон перм рифоген ётқизикларининг аниқлаштирилган стратиграфик схемаси Геология ва геофизика институтида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 15 декабрдаги 04-5687-сон маълумотномаси). Натижада, янги аниқланган органик қолдиқлар гуруҳи перм даври стратиграфик схемасинининг қуйи ва юқори бўлимларини асослашга имконини берган;

Перм даври ётқизикларини тавсифловчи биофосилларнинг 34 аниқланган тури Геология ва геофизика институтида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 15 декабрдаги 04-5687-сон маълумотномаси). Натижада, Қизилқум-Нурата тоғли ҳудудининг перм рифли ётқизиклари стратификацияси аниқланиб, уларнинг геологик чегараси аниқлаш имконини берган;

Қирғоқ бўйи ётқизиклари зоналарида қадимги сочма олтинга истиқболли майдонларни ажратиш мезонлари Геология ва геофизика институти фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 15 декабрдаги 04-5687-сон маълумотномаси). Натижада, қадимги сочма олтинга истиқболли майдонлар аниқлаш имкони яратилган;

Ғарбий Ўзбекистон моласс формацияси вулкон-чўкинди ётқизикларида аниқланган пермга оид рифсимон комплеклар тарқалиш тарзи Геология ва геофизика институтида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 15 декабрдаги 04-5687-сон маълумотномаси). Натижада, фойдали қазилмага истиқболли майдонлар аниқланган ва кейинги геология-қидирув ишлари йўналишлари асослаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотларнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги:** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилди. Докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда 11 та илмий мақола, шу жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп нашр этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 183 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, олинган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилади.

Диссертациянинг **“Қизилқум-Нурота тоғли вилояти моласс формациясининг геологик ва литологик-стратиграфик тадқиқотларининг асосий босқичлари”** деб номланган биринчи бобида Қизилқум-Нурота тоғли вилоятининг палеозой чўкинди ётқизикларининг аввалги геологик тадқиқотлар натижалари, Қорачатир структуравий-фациал зонаси Шимолий Букантов субзонасининг таркибига кирувчи тахтатов типик кесимининг литологик ва петрографик хусусиятларининг характеристикаси келтирилган.

Ғарбий Ўзбекистонда қимматбаҳо фойдали қазилма конларининг очилиши ушбу регионнинг истиқболларини белгилаб берди ва тоғ-кон саноатининг ривожланишида катта рол ўйнади. Республика минерал-хомашё базасини кенгайтиши кўп жиҳатдан фойдали қазилмалар билан алоқадор бўлган палеозойнинг чўкинди-метаморфик **жинсларини** комплекс ўрганишга боғлиқ. Шу билан бирга излаш-қидирув ишлари чўкинди формациялари ва риф комплексларига ўтмоқда, уларнинг фойдали қазилмаларнинг шаклланиши ва жойлашишидаги роли илгари етарлича баҳоланмаган.

Сўнгги йилларгача Қизилқум-Нурота тоғли вилоятининг юқори палеозой ётқизикларини ўрганишда кўплаб ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Ушбу регионнинг бир қатор янгиланган геологик хариталарининг яратилиши муносабати билан кечки палеозойда ушбу регионнинг геологик ривожланиши масалаларини қайта кўриб чиқишга имкон берадиган янги материаллар олинди. Тадқиқотда илк бор Ғарбий Ўзбекистон худудида ўрнатилган перм **даври** ётқизикларининг стратиграфиясига алоҳида эътибор қаратилди, бу нафақат Марказий Қизилқумнинг, балки бутун Ўзбекистоннинг геологик тузилишини билишга катта ҳисса қўшади. Узоқ вақт давомида Тахтатов тоғи моласс формациясининг ётқизиклари географик жиҳатдан тадқиқот майдони билан боғлиқ бўлиб, ўрта-юқори карбон ёши билан тасвирланган (Я.Б.Айсанов, А.К.Бухарин, К.К.Пятков, З.С.Румянцева). Аввалроқ, Марказий Осиё худудида перм системаси ётқизиклари Жанубий

Фарғона районларида – Қора-Чатир тоғларида (Қирғизистон), Қоратов тоғларида, Оқ-Байтал довони районида ва Тоғли Бадахшондаги Мурғоб дарёси (Тожикистон) ҳавзасида, ҳамда Катта Кавказ (Нахичеван автоном вилояти, Арманистон) ва тоғли Қрим худудларида ажратилган.

Биостратиграфик корреляция мақсадида Уралнинг Ғарбий томони, Кузнецк тоғ-маъдан райони, Приморск ўлкаси ва Хитойнинг жануби-шарқидаги перм ётқизикларини тадқиқ қилиш бўйича ишлар ўрганилди. Фақат турли хил физик-географик регионларда учрайдиган органик қолдиқлар ва флоранинг бир хил ёки жуда ўхшаш комплекслари билан ётқизиклар ўтган геологик эпохаларни ишончли қиёслаш имконини беради.

Қизилқум-Нурота тоғли вилоятини стратиграфик тадқиқ қилишнинг долзарблиги, аввало, замонавий талабларга жавоб берадиган батафсил стратиграфик асосда ишлаб чиқариш зарурати билан белгиланади. Ҳар бир система учун кўплаб ишлаб чиқариш ва назарий масалаларни ҳал қилишга ёрдам берадиган денгиз ҳамда континентал чўкиндиларнинг ажралиш ва ўзаро боғлиқлиги бўйича регионал унификацияланган схемаларни яратиш зарур.

Қизилқумнинг юқори палеозой ётқизикларини ўрганиш тарихида учта асосий босқич мавжуд.

Биринчи босқич 1950 йилгача бўлган даврни қамраб олади ва маршрутчи ўрганиш ҳамда кенг кўламли геологик хариталарни тузиш билан тавсифланади. Тянь-Шаннинг юқори палеозой ётқизикларида органик қолдиқлар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар Г.Д.Романовский, К.И.Богданович ва В.Н.Веберларнинг 1878-1910 йиллардаги ишларида мавжуд. Кейинчалик улар С.А.Кушнарь, В.А.Захаревич, И.П.Герасимов, П.К.Чихачев, Н.П.Петров, П.П.Чуенко, А.И.Смолко, В.Д.Чехович, А.С.Аделунг, Б.И.Маркелов, К.К.Пятков, А.К.Бухарин ва б. ишлари билан тўлдирилди. Тавсифланаётган регионнинг терриген-карбонат ётқизиклари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар бизга В.А.Захаревичнинг ишларидан маълум (1938). У Тахтатов тоғини ташкил этувчи тахтатов свитаси терриген жинсларини архар свитаси юқори қисми ўхшаши (аналоги) деб ажратдиб (Букантау), уни юқори палеозой деб тасвирлади. Кейинчалик, Б.И.Маркелов (1939) томонидан улар фауналар орқали янада мукамалроқ тавсифланган ва ўрта карбон юқорисига – юқори карбон пастига тегишли. Кейинги ишларда муаллифлар свитага стратиграфик интервални ўрта – юқори карбон қилиб, ётқизикларни қуйи, ўрта ва юқори қуйи свиталарига ажратади.

1950 йилдан 1970 йилгача бўлган кейинги босқич Марказий Қизилқумнинг палеозой дўнгликларини Давлат геологик тасвирлашининг бошланиши муносабати билан тизимли ўрганишнинг бошланиши билан характерланади. Ушбу ишларда Я.Б.Айсанов, К.К.Пятков, А.К.Бухарин, Е.Т.Конаныхин, Ю.Л.Лихачев, К.А.Набиев, И.А.Пяновская, П.Н.Подкопаев, З.С.Румянцева, М.Н.Соловьева, А.Н.Суздальский, Х.Х.Урманов ва кўплаб бошқа шу каби тадқиқотилар иштирок этдилар. Ўтказилган тадқиқотлар

палеозой ётқизикларининг тарқалиш майдонларини аниқлади, уларнинг бўлиниши бўлимлар ва камроқ яруслар чегарасида амалга оширилди.

М.Н.Соловьеванинг ишлари юқори палеозой ётқизикларини ўрганиш ва ажратишга катта ҳисса қўшди. 1953 йилда у Х.Х.Урманов билан биргаликда жарақудуқ ва архар свиталарини ягона қатлам эканлигини аниқлади. 1963 йилда Ўрта Осиёнинг юқори палеозой ётқизиклари стратиграфияси ҳақидаги материалларни умумлаштириб, М.Н.Соловьева “Букантов тоғлари районида ўрта карбон кесимининг энг юқори горизонтлари ёши бўйича қуйи москва яруси остки қисмига тўғри келади” деган хулосага келди. Тахтатов свитасининг кесими тож қилади. У архар свитасини тахтатовнинг фациал ўхшаши деб ҳисоблайди ва чўкинди тўпланиш шароитларига кўра, қирғоқ бўйи-денгиз ва дельта чўкиндиларига киради.

Олтмишинчи йилларда Ю.А.Лихачева бошчилигидаги ВСЕГЕИ геологлари гуруҳи Қизилқум ва Нурота тоғи ғарбий тармоғининг палеозой фундаменти тузилишини ўрганган. У юқори палеозой ётқизикларининг ажралишига сезиларли даражада янги нарса киритмади ва уларнинг ҳисоботларида перм системасининг ётқизиклари қайд этилмаган.

1964 йилда А.К.Бухарин 1:200 000 масштабда геологик харитани тузиш бўйича режалаштирилган ишларни амалга ошириб, Шарқий Букантов худудида 1938 йилда В.А.Захаревич томонидан таклиф қилинган тахтатов свитаси ётқизикларини ажратиш схемасига амал қилади. Органик қолдиқларнинг янги коллекцияларига асосланиб, у свитани қуйи, ўрта ва юқори кенжа свиталарга ажратади.

1969 йилда К.А.Набиев Ғарбий Ўзбекистоннинг палеозой ётқизикларида литологик-фациал тадқиқотлар олиб борган ва тахтатов свитаси ётқизикларини икки қатламга бўлинган. У қуйи қатламни ўрта карбоннинг юқори москва қуйи ярусига киргизади, юқорисини – конгломератли, юқори карбонга киргизади.

Ушбу босқичдаги кўплаб батафсил геологик тадқиқотлар натижалари “Ўзбекистон ССР стратиграфияси” икки жилдли хулосасида ўз аксини топган, 1972 йилда ушбу давр ётқизиклари учун стратиграфик тадқиқотлар ҳолатини қамраб олган жамоавий иши чиқарилган.

Қизилқум-Нурота майдонини биостратиграфик тадқиқ қилишнинг учинчи босқичи ўтган асрнинг 70-80-йиллари даврини қамраб олади. Бу даврга регионнинг юқори палеозой ётқизиклари З.С.Румянцева томонидан ўрта карбон москва яруси юқориси қуйи қисмига тегишли бўлган тахтатов сериясига ажратилган ва кейинчалик тўртта, яъни: ажрикти, ўғуз, желтимсук ва бассай свиталарга ажратилган. Кейинги даврда Я.Б.Асанов (1984) Букантов худудида 1:50 000 масштабда геологик-тасвирлаш ишларини олиб боришда, устуворлик ҳуқуқига риоя қилган ҳолда, юқори палеозой ётқизикларини тахтатов свитасига киритади. Унинг схемасига кўра, свита ётқизиклари учта кенжа свитага ажратилади.

Моласс толшаларининг литологик бир хиллиги, уларнинг заиф ва нотекис фауналилик характеристикаси, қайта ётқизилган органик

қолдиқларнинг мавжудлиги – буларнинг барчаси бир-биридан узоқда бўлган кесимларнинг стратиграфик бўлиниши ва корреляциясини мураккаблаштиради. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, перм даврининг фауна ва флора қолдиқлари ўрта карбон органик қолдиқлар комплекси билан учрайди. Шу асосда муаллиф карбон фауналарини қайта ётқизилган деган хулосага келди. Перм даврининг сфинктозоа ва фораминифераларнинг ушбу ётқизиқларидаги топилмалар, асосан, тахтатов моласс формацияси ётқизиқларининг ёши ҳақидаги саволга ойдинлик киритади. Сўнгги йиллардаги ишлар (2014-2022), аввало, тўпланган органик қолдиқлар мажмуасини, тоғ жинсларининг литологик таркибини ва уларнинг фацциал ўзгарувчанлигини батафсил ўрганишга асосланган бўлиб, бу сезиларли ўзгаришлар, қўшимчалар ва ушбу ётқизиқларнинг ёшини аниқлашга аниқликлар киритиш имконини берди.

Қизилқум-Нурота тоғли вилоятининг карбон ва перм даврлари охиридаги палеогеографик ҳолат кучли тектоник ҳамда вулқон фаоллиги ва ундан шарқ ҳамда жануби-шарққа чўзилган саёз денгизнинг намоён бўлиши натижасида ороген қўтарилишларнинг мавжудлиги билан аниқланди. Тадқиқотилар В.А.Арапова, В.П.Коржаева, А.А.Антонова, Ф.К.Диваева, Р.Х.Миркамалова ва б. вулканизмнинг маъдан ҳосил бўлишидаги улкан ролини кўрсатдилар. Эндоген минерализациянинг алоқаси (биринчи навбатда, олтин, кумуш, полиметаллар, уран ва бошқалар.) вулқон фаоллигининг маълум босқичлари ёки стратиграфик даражалари билан асосий маъдан таркибидаги восита бўлган вулканоген-чўкинди жинсларининг аниқ палеонтологик асосланганлигини талаб қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Марказий Қизилқум регионининг ер қаъри юқори даражада ўрганилганига қарамай, регионал стратиграфик бўлинмаларнинг ўрнатилиши ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ғарбий Ўзбекистон кесимларида илгари учрамаган биофоссилияларнинг янги турларини топиш ва ўрганиш турли хил фойдали қазилмаларни геологик-тасвирлаш ҳамда қидириш ишларини самарали олиб бориш учун зарурдир.

Диссертациянинг **“Моласс формацияси ётқизиқларининг биостратиграфияси ва ёшини асослаш”** деб номланган иккинчи бобида моласс формацияси ётқизиқларида ўрнатилган стратонларнинг табақаланиши ва палеонтологик хусусиятлари кетма-кетлиги таъкидланган.

Қитъалардан ва катта ороллардан қочган кўплаб оқимлар бурмаларда тарқалган жуда кўп микдордаги парчаланган материалларни олиб келди ҳамда орол денгизининг саёз ва қирғоқ қисми ётқизиқлари билан ифодаланган юқори палеозойнинг қалин жинсларини ҳосил қилди. Тектоник ҳаракатларда вақтинчалик сустлик ва оролларнинг ўсишининг секинлашиши бўлакли материаллар оқимларининг даврий заифлашишига, денгиз фаунаси билан кумтошлар, алевролитлар ва оҳактошларнинг горизонтлари пайдо бўлишига олиб келди.

Юқори палеозой ётқизиқлари бир-бири билан мураккаб фацциал муносабатларига эга бўлиб, турли хил чўкинди, вулканоген, вулканоген-

чўкинди жинслар мажмуасидан иборат, уларни расшифровка қилишнинг қийинчиликлари жуда мураккаб дизъюнктив тектоника билан тўлдирилади. Бундай ҳолда, тахтатов вулканоген-чўкинди комплекси тадқиқот учун ярим-континентал саёз денгиз ҳавзасининг ўзига хос шароитида ҳосил бўлган геологик тана сифатида, тубининг тез-тез қуриши, кўплаб континентал канал оқимлари ва фаол вулқонлар мавжудлиги битмас-туганмас қизиқиш уйғотади.

Органик қолдиқларнинг кенг қамровли тўплами, уларни монографик ўрганиш, шунингдек, илгари амалга оширилган, асосан, литологик-стратиграфик характердаги ишларни чуқур таҳлил қилиш Қизилқум-Нурота тоғли вилоятининг перм ётқизиклари стратиграфиясининг янги схемасини ишлаб чиқишга имкон бери (расм-1).

**Тахтатов свитаси  $C_3$ -Pth.** Илк бор В.А.Захаревич томонидан 1938 йилда ўрнатилган. Номи Тахтатов тоғи бўйича берилган (Тактиниктов). Свитанинг тўлиқ кесими Букантов тоғ системасининг шарқий охиридаги Тахтатов тоғларида ифодаланган. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида бу ётқизиклар 460 м дан 1200 м гача қалинликда архар, кинир, фориш свиталари номи билан учраб, чекланган тарқалишга эга. Тахтатов свитаси ўзининг литологик-структуравий хусусиятлари бўйича 3 та кенжа свита мос равишда: қуйи, ўрта ва юқори тахтатовга ажратилади. Тўпланган органик қолдиқлар комплекси асосида ушбу бўлинмаларнинг ёши қуйидагича белгиланади: қуйи тахтатов кенжа свитаси- $C_3$ -P<sub>1</sub>th<sub>1</sub>, кечки карбон-эрта перм вақти, ўрта тахтатов кенжа свитаси-P<sub>1</sub>th<sub>2</sub>, эрта перм ва юқори тахтатов кенжа свитаси-P<sub>2</sub>th<sub>3</sub> - кечки перм чўкинди тўпланиш вақти (1-расм).

**Ажратилмаган ётқизиклар  $C_3$ -P.** Таърифланган ётқизиклар комплекси Букантов тоғ тизмасининг шарқий охирида тўлиқ ривожланган ва Тахтатов тоғининг жанубий томонини қамраб олади. Ушбу вулканоген-чўкинди жинслар комплексининг шаклланиши иккита жуда муҳим физик-географик ҳодиса – кечки карбон эпохаси ва бир қатор регионларда денгизнинг жуда кучли трансгрессияси билан солиштирганда ердаги умумий иқлим ўзгаришига тўғри келади.

**Қуйи тахтатов кенжа свитаси  $C_3$ -P<sub>1</sub>th<sub>1</sub>.** Тадқиқот майдонида ётқизиклар турли қатламли конгломератлар, гравелитлар, қумтошлар ва алевролитларнинг қайта қатламланган жинслари билан ифодаланган. Ётқизикларнинг ёши стратиграфик ҳолатга мувофиқ  $C_3$ -P<sub>1</sub> интервалида қабул қилинади. Кесимда оҳақтош ва кўп таркибдаги турбидитларнинг қатламлари ўрайди. Кенжа свита ётқизикларининг тўлиқ бўлмаган қалинлиги 700 дан 1020 м гача ораликни ташкил қилади. Ўрта тахтатов кенжа свитасининг юқори ётуви ётқизиклари билан контакти – характерли бурчакли ва азимутал номувофиқликка эга тектоник.

**Перм системаси P.** Ўзбекистон Марказий Қизилқум регионида биринчи марта топилган перм ётқизиклари Қизилқум-Нурота тоғли вилояти ҳудудида тарқалган моласс формациясини ҳосил қилади. Йиғилган органик қолдиқлар

Общая стратиграфическая шкала, Узбекистана (2020)		Местная стратиграфическая шкала (2022)				Литология	Мощность	Палеонтологические комплексы	Характерные разрезы и номера отложений
Зона	Эра	Система	Отдел	Свита	Подсвита				
Фанерозойская	Палеозойская	Пермская	Верхний	С <sub>1</sub> -Р	нижняя пермь	верхний карбон-	1050 м	<p><i>Endocysta</i> ex gr. <i>bradyi</i>, <i>Eostafella pseudostruvei</i> var. <i>chomatifera</i>, <i>Sponaturamina</i> cf. <i>conspicua</i></p> <p><i>Calamites</i> sp., <i>Rhabdomeson affi rhombiferum</i>, <i>Streptognathodus conjunctus</i>, <i>Iniognatodus sinuatus</i>.</p>	<p>пос. Кериз ЛСР V, VI т.п. 40, 42, 45.</p>
Фанерозойская	Палеозойская	Пермская	нижний	Средний	средняя пермь	среднетатавская	2300 м	<p><i>Antraconanta</i> cf. <i>gibbosa</i>, <i>microdoma</i> var. <i>Plomikvyscensis</i>, <i>Prokopievskia gigantea</i>, <i>P. Longissima</i>, <i>Mraistella magniforma</i>, <i>Fenestella</i> cf. <i>severa</i>, <i>Rombotrypella kamajensis</i>, <i>Calamites undulatus</i>, <i>C. gigas</i>, <i>Meeckella exima</i>, <i>Entelektes Lamarekii</i>, <i>Derbya resulara</i>, <i>Choristites Pavlovi</i>, <i>Brachythurina rectangularis</i>.</p>	<p>Кол. тохта ЛСР IX т.п. 14,15 ЛСР I, II, III, IX т.п. 20, 23, 4,8. пос. Омиз ЛСР II т.п. 4,8, 25 г. Дзельтансух ЛСР VI т.п. 18,23</p>
Фанерозойская	Палеозойская	Пермская	Верхний	Средний	верхняя пермь	верхнетатавская	600 м	<p><i>Custothlamia</i> Kimi, <i>C. Smirnovi</i>, <i>Colospongia nachodkiensis</i>, <i>Ambilifonella elegans</i>, <i>Ufimia colombini</i>, <i>Lophocarinophyllum pulchrum</i>, <i>L. chandalaricum</i>, <i>Yabeina massiva</i>, <i>Y. ef. orbiculata</i>, <i>Psevololangelia pulhira</i>, <i>Kahlerina ovalis</i>, <i>K. constricta</i>, <i>Reichelina chorensis</i>, <i>R. itachensis</i>.</p>	<p>ЛСР V, VII 27, 28, 29, 30, 34, 36</p>

1-расм. Қизилқум-Нурога тоғли минтақаси перм ётқиққларининг стратиграфик бўлиниш схемаси (Тузувчи: А.Н. Смирнов, 2022 й.)

комплекси асосида бу ерда перм системасининг қуйи ва юқори бўлимлари ўрнатилган.

**Қуйи бўлим P<sub>1</sub>.** Ўзбекистоннинг Қизилқум-Нурота тоғли вилоятида илк бор перм системаси қуйи бўлимининг ётқизиклари ўрта тахтатов кенжа свитаси жинслари комплекси билан ифодаланади.

**Ўрта тахтатов кенжа свитаси P<sub>1th2</sub>.** Ётқизиклар конгломератлар, гравелитлар, вулканоген кумтошлар, алевролитлар ва рифоген оҳактошларнинг ритмик қайта қатламланган толшалари билан ифодаланган. Вулканоген кумтошларнинг чўкиши қирғоқ ўсимликларининг ҳаётий фаолияти даврида содир бўлган, улар орасида *Calamites gigas* Brond., *Cal. undulatus* Sternberg., *Pecopteris ex gr. miltoni* (Artis), *Walchia sp.* каби турлар аниқланган. Майдоннинг шарқий охирида конгломератлар ва кумтошлар фораминифералар, брахиоподалар ва пелециподаларнинг кўплаб қолдиқларига эга органиген-детрит оҳактошлар билан фацнал алмашинади. Бу ерда чўкинди тўпланишининг эрта перм вақтини тавсифловчи *Pseudofusulina uralica* Krotow; *Anhtraconauta cf. gibbose* Betekhtina, *Procopievskia gigantea* (Rogosin); *Rhombotrypella kamajensis* Trizna. тўпланди ва аниқланди. Ўрта тахтатов кенжа свитасининг P<sub>1th2</sub> қалинлиги 2300 м дан ортиқни ташкил қилади.

**Юқори бўлим P<sub>2</sub>.** Қизилқум-Нурота тоғ вилояти ҳудудидаги перм эпохасининг илиқ ва саёз денгизи фауна ҳамда флоранинг кўплаб яшовчилари учун қулай муҳит бўлган. Ётқизиклар латерал бўйича тез-тез ўзгарувчи тоғ эканлиги билан характерланади. Бу ердан *Kachlerina-Lepidolina* каби фораминиферанинг зонал шакллари топилган; Узокшарқ, Помир, Арманистон ва Қримнинг юқори перм ётқизиклари кесимларидан маълум бўлган *Amblisifonella*, *Cystothalamia* ва *Colospondia* авлодлари билан ифодаланган сфинктозоаларнинг тарқалиш доирасини кенгайтиради.

**Юқори тахтатов кенжа свитаси P<sub>2th3</sub>.** Кенжа свита ётқизиклари Тахтатов тоғининг моласс формацияси кесимини яқунлайди. Улар ритмик алмашиниб келувчи конгломератлар, гравелитлар, кумтошлар, алевролитлар ва органиген оҳактош ётқизиклари билан ифодаланади. Йиғилган органик қолдиқлар комплексига асосланиб, юқори тахтатов кенжа свитаси ётқизикларининг шаклланиш вақти кечки пермга киради. Кенжа свитаси ётқизикларининг умумий қалинлиги 520 м ни ташкил этади.

Амалга оширилган ишлар натижасида олинган материаллар Чотқол-Қурама, Туркистон-Олой ва Дарвоза-Заалайнинг қўшни структуравий-формацион зоналари билан батафсил корреляцияни амалга ошириш, регионнинг геологик ривожланиш тарихини тиклаш, Тахтатов тоғининг 1:50 000 масштаби геологик хаританинг янги версиясини яратиш имконини беради (2-расм).

Ётқизикларни ўрганишда қирғоқ зоналарининг ривожланиши, улардаги седиментацион ўзгаришларнинг мавжудлиги, чўкинди тўпланишида танаффус участкаларининг мавжудлиги каби омилларга алоҳида эътибор



Аниқланишича, жинсларнинг литологик хусусиятларига кўра, кўп ҳолларда нафақат чўкманинг седиментация вақти ҳақида, балки ер юзасининг у ёки бу қисмини шакллантиришнинг физик-географик шароитларини аниқлаш учун ҳам маълумот олиб беради.

Конгломерат-брекчиялар кичик тошли конгломератлар, гравелитлар ва қумтошларнинг структурасиз массасига ботирилган карбонат жинсларининг харсанглари ҳамда парчаларини ўз ичига олган йирик тошли конгломератлардан иборат. Ушбу генезиснинг жинслари мавсумий тошқин сувлари, сел оқимлари ва вақтинчалик сув оқимлари туфайли, шунингдек, кучли вулкон фаоллиги натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

Тахтатов тоғининг моласс формацияси кесими тузилишидаги конгломератлар кейинги чўкинди тўпланиш циклининг бошланишини тавсифлайди. Улар вулканоген-чўкинди комплексининг деярли барча ёш горизонтларида гравелитлар, қумтошлар ва алевролитлар билан биргаликда учрайди.

Гравелитлар, конгломератлар сингари, денгизнинг ғарбий қисмида, баъзан гидродинамиканинг кучайиши шароитида кенг ривожланади. Қумтошлар моласс формациясининг энг кенг тарқалган жинсларидир. Улар қирғоқ-денгиз ҳудудларида шаклланган. Гравелитларнинг структура ва текстура хусусиятлари уларнинг саёз денгиз ҳавзаси шароитларида чўкмага ўтганлигини кўрсатади.

Алевролитлар моласс формациясининг мажбурий компонентиدير. Улар аргиллитлар (гилли сланецлар) билан юпқа қайта қатламланади ёки майда донали қумтошлар ва аргиллитлар орасидаги ўтиш звеноси ҳисобланади. Тахтатов моласс формациясининг ётқизиқларида қумтошлар ва алевролитлари билан биргаликда аргиллитлар муҳим рол ўйнайди. Қоида тариқасида, бу сланец жинслари таркибида жуда монотондир.

Перм вақтининг бошидан бери моласс формациясининг ривожланиш майдони аста-секин сув остида қолди ва тезда континентдан олиб ташланган ҳамда фаол вулконлар билан таъминланган материал билан тўлдирилади. Тахтатов тоғ массиви ҳудудида кенг тарқалган бундай ётқизиқлар комплекси қадимги чўкинди ҳавзалар четида ҳосил бўлган ва катта саноат аҳамиятига эга бўлган қадимий олтин сочмаларини локализация қилиш учун потенциал истиқболли ҳудудлар сифатида катта қизиқиш уйғотади. Бу ерда ўрнатилган олтин минерализациясининг намоён бўлиши қирғоқ зоналарининг фациялари билан боғлиқ.

Диссертациянинг **“Органик қолдиқлар асосий гуруҳларининг биономик хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида ўрганилаётган органик қолдиқларнинг таҳлили, ўрганилаётган шаклларнинг геологик ва географик тарқалиши, уларнинг стратиграфик ва қиёслов аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган.

Тян-Шан ва Урал тоғ иншоотлари ўртасида жойлашган Қизилқум геологик, тектоник ва палеобиостратиграфик тузилиши, ушбу регионларнинг

ривожланиш тарихини тушуниш ва улар ўртасидаги муносабатларни аниқлаштириш учун катта қизиқиш уйғотмоқда.

Узоқ вақт давомида Қизилқум-Нурота тоғли вилоятининг моласс формациясининг карбонат ҳосилалари ўрта карбон москва ярусига тегишли. Ўзбекистон ҳудудида перм системасининг ётқизиклари йўқ деб ҳисобланган. Шу билан бирга, Марказий Қизилқум ҳудудидаги перм даври денгиз ҳавзасининг географик жойлашуви ўз ҳолатига эга. У Ғарбий Европа денгизлари, Урал, Закавказия, Олтой ва Қирғиз даштлари билан чамбарчас боғлиқ. Форс ва кичик Осиё орқали Қизилқум денгизи Помир, Ҳиндукуш ва Тибет денгизлари билан қўшилишда жойлашади, Жанубий Осиё денгизлари билан боғланган. Бундай Марказий ҳолат қизилқум фаунасига ўзига хос кўриниш беради. Бу ерда биз Урал, Карний Алп ва Индохитой турларини учратамиз. Унинг шаклланишини иккита асосий босқичга бўлиш мумкин:

**1-босқич.** Эрта перм вақти. Фаол вулқонлар пайтида чўкинди тўпланиш режими, фаол тектоник жараёнларнинг намоён бўлиши. Органик қолдиқлар қирғоқ бўйидаги саёз сувлар, дарёлар қуйилиши, лагуналар ва континентал қиялик шароитида тарқалади. Бу ерда пелесиподалар, мохлар, брахиоподалар, кўплаб ўсимлик турлари каби биофоссилия гуруҳларини ажратиш мумкин. Марказий Қизилқумда юқори палеозойнинг икки табақаси ўрнатилган янги жойлари муҳим рол ўйнайди ва бу органик қолдиқлардан регионал таққослаш учун фойдаланишга имкон беради.

**2-босқич.** Кечки перм. Фаол вулқонлар шароитида чўкиндиларнинг рифоген комплексини шакллантириш режими. Бу ерда сфинктозоа, фораминофера, палеоаплизинлар, ругозалар, строматопорат ва сув ўтлари каби органик қолдиқлар гуруҳлари топилган.

Пластинка қобикли моллюскалари Тахтатов тоғининг қуйи перм ётқизикларида жуда кенг тарқалган ва ҳудуддан ташқарида маълум эмас. Бу ерда икки табақалиларнинг шундай шакллари: *Antraconauta cf. gibbose* Deterht., *Ant. sp.*, *Microdonta var. plotnikobsiensis* (Fedotov), *Prokopievskia gigantea* (Rogosin), *Prok. cf. longissimi* Khalfin, *Mrassiella magniforma* Rog. учрайди.

Қизилқум-Нурота регионининг маржонлари алоҳида эътиборга лойиқдир, Марказий Қизилқумнинг перм ётқизикларидаги маржонли жамоаларни Шпицберген, Янги Зеландия, Урал ва Қозоғистон ороллариининг ўхшаш турлари билан таққослаш мумкин бўлади. Бу ушбу регион учун стратиграфик иншоотларнинг тўғрилигига ишонч беради. Тадқиқот майдонида қуйидагича турлар: *Fenestella cf. severa* Trizna, *Rombotrypella composita* Nikifor. *Pseudoleptoena cf. distrata* (Sowerby), *Siringothuriselengata* North., *Isogramma germanicum* Paeckelmann тўпланди ва аниқланди.

Олиб борилган иш давомида биз кўплаб ўсимлик қолдиқларини тўпландик, улар орасидан: *Lepidodendron sp.*, *Sphenophyllum sp.*, *Calamites undulatus* Sternber, *C. gigas* Brongniart, *Pecopteris sp.*, *Walchia sp.* лар аниқланди. Ўсимлик қолдиқлари аналогик комплекси Ўзбекистоннинг

Чатқол ва Қурама тоғ тизмаларининг юқори карбон ойсой свитаси кесимларида ҳам кузатилган. Шу билан бир вақтда, *Rugosofusulina splendida* Bensch, *Schwagerina glomerata* Schellw. Sch. *asiatica* M.-Macl., *Paraschwagerina koksarecensis* Bensch ва бошқа фузулинидалар карбонатли катламларда ажратилган, бу қамровчи жинсларни пермнинг куйи бўлимига боғлашга имкон берди.

Брахиоподалар Қизилқум-Нурота тоғли вилояти эрта перм биотасининг нисбатан кам учрайдиган аъзолари ҳисобланади ва фақат ўрта тахтатов кенжа свитасининг ётқизиқларида учрайди. Ўрта тахтатов кенжа свитасининг ётқизиқларида  $P_{1th_2}$ улар оралик катламларда, эҳтимол, чиғаноқтош линзаларида мавжуд. Қайта ётқизилган чиғаноқларнинг бундай тўпланиши қирғоқ сувларида кучли сув ҳаракати ва кейинчалик уларнинг ташилиши натижасида ҳосил бўлган. Дастлаб, брахиоподалар қирғоқ шўрсизлантирилган сувлар шароитида эрта перм денгизининг турғун сувли кўрфаз ва қўлтиқларида яшовчи ҳисобланган.

Муаллифнинг ихтиёрида органик қолдиқларнинг бой комплекси бўлган катламлар тасвирланган ва яхши боғланган кесимлар мавжуд. Ушбу тадқиқотларда фораминифералар муҳим аҳамиятга эга. Бу тез ривожланаётган ва жуда муҳим организмлар гуруҳидир. У ёшни аниқлашда муҳим рол ўйнайди ва Тиман, Урал четки бурмаланиши, Кавказ, Жанубий Фарғона, Япония, Жанубий Орол бўйи ва Хитойнинг перм системаси ётқизиқларида кўпроқ ривожланишга эга. Қуйидаги оилаларнинг вакиллари: *Ozawainelidae*, *Fusulinidae*, *Schwagerinidae*, *Pseudendothyre*, *Fusulinella*, *Schubertella*, *Pseudofusulina*, *Paraschwagerina* авлодлари ўрайди.

